

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш борасидаги сиёсатимизнинг нақадар тўғри ва оқилона эканини кўрсатмоқда. Айниқса, аҳоли бандлиги бўйича қабул қилинаётган норматив ҳужжатлар, ишлаб чиқариётган Давлат дастурларнинг ҳаётга оғишмай жорий этилаётгани фуқароларимизни иш билан таъминлаш муаммолари ечимини топишга имкон яратмоқда.

ЭРКИН МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Бутун дунё учун таъмин келтирган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, 2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизнинг янги ички маҳсулоти 8,0 фоизга, жумладан, sanoat ишлаб чиқариши 8,0, экспорт ҳажми 14,3, инвестицияларнинг умумий ҳажми қисий нархларда 14,8 фоизга ошди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан тасдиқланган "2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" ҳам бу масалалар ечимини муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида рес-

публикамик миқёсда ташкил этилган янги иш ўринлари сони 215 мингтадан ортиб кетгани ҳам ана шу сазў-ҳаракатларнинг амалдаги ифодасидир. Йил охиригача эса, бу кўрсаткич бир миллионга етиши кутилмоқда.

Статистика маълумотларга қараганда, мамлакатимизда банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларни ишга жойлаштириш борасида ўтган йили иш сўраб мурожаат қилган фуқаролардан 566,3 минг нафари ишга жойлаштирилди. Уларнинг 312,3 минг нафарини ёшлар, 249,3 минг нафарини эса аёллар ташкил этди. Масалан, ўтган йилда 1236 мартаба бўш

иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Уларда 42 мингтадан ортиқ иш берувчи ва 322 минг нафардан зиёд иш қидираётган шахс иштирок этди. Натижда 182,2 минг нафар фуқаро ишга жойлашиш учун йўланма олди. Аҳамиятли томони шундаки, бу каби хайрли ишларнинг кўламини йил сайин кенгайтириш бормоқда.

таҳлил ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш, шунингдек, кичик бизнес ва касаначиликни ривожлантириш соҳасидаги ишлар самардорлигини юксалтириш, аҳоли барча қатламларининг меҳнат фаолияти учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш юзасидан так-

бошқаруви тизимлари ишини самарали йўлга қўйиш, меҳнат бозорининг ҳисоботларини шакллантириш ҳам лозим.

Бозор шарт-шароитида меҳнат ресурсларини бошқариш самардорлиги, биринчи навбатда, иқтисодий масала бўлмай, энг аввало, улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир. Шундай экан, бу соҳада омилкор сиёсат юритилиши мақсадга мувофиқ. Республикаимизда давлатнинг иш билан бандлик масаласида олиб борилаётган исчилик сиёсат худди шу тарзда давом этмоқда. Бинобарин, фуқароларга Конституция-миз ҳамда бошқа қонунлар билан эркин меҳнат қилиш ҳуқуқи, демаски, ўзи ва оила аъзоларининг фаровон турмуш шарт-шароитини таъминлаш, жамиятда юқори мавқе ва мартабага эга бўлиш ҳуқуқлари, меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятлари яратиб қўйилган. Бу соҳадаги қонунчиликни тобора такомиллаштириб бориш эса биз, депутатларнинг масъулиятли вазифамиз ҳисобланади.

Султонбой ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам мамлакатимиз раҳбари томонидан

Бандлик

дан парламент палаталари кўшма мажлисида белгиланган берилган вазифалар ижросига, хусусан, аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Зеро, аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш, назорат-

лифлар ишлаб чиқиш ва парламент муҳокамасига қўйиш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Бугун юртимизда меҳнат бозорини янада ривожлантириш, мавжуд инсон ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлаш — долзарб вазифа. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорини тартибга солишга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш талаб этилади. Қолаверса, меҳнат бозори амал қилиши учун зарур бўлган давлат ва нодавлат

етди. Пировардида улар ички бозорни импорт ўринини босувчи, экспортбоқ маҳсулотлар билан тўлдирдида етакчи кучга айланмоқда.

Шу билан бирга, иш билан банд бўлган аҳолининг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳисобига тўри келаётгани, улар орасида ёшларнинг кўпчилигини ташкил этаётгани қувонarli ҳол, албатта.

Анжуман

ишга жалб этиш, янги иш ўринларини яратишда, айниқса, тизимда солиқ имтиёзларининг жорий этилиши кўл келтирилади. Масалан, айна пайтда бундай имтиёзлардан баҳраманд бўлаётган 8,2 мингта тадбиркорлик субъекти йилига ўртача 27 млрд. сўм миқдорда маблағ тежаб қолмоқда. Қорхоналар ихтиёрида қолаётган сармоя эса ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги иш ўринларини яратишга йўналтирилмоқда, бу, ўз навбатида, жойларда ёшларнинг бандлик даражаси ошишига хизмат қилаётди.

Давлат солиқ қўмитаси мутасаддилари томонидан Фармонда таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари, кичик бизнес соҳасида кўзда тутилган имтиёзлар ҳақида атофлича маълумот берилди. Иштирокчилар ўзларининг қизиқтирган саволларига тегишли жавоб олдилар.

С. РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бағрикенглик ва меҳр-муруват маскани

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Н. Бахтиёров, Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Г. Йўлчиева юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидagi ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ушбу соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу эса долзарб масалаларни жой-

РАВОН ЙЎЛЛАР, НУРЛИ УФҚЛАР

Давоми. Боши 1-бетда.

— Йўлни кенгайтириш, раванлаштириш энг савоб ишлардан бири, — дейди мазкур қорхона участка устаси Раҳим Пирматов. — Ҳозирда тупроқ, тош ётқизиш ишларини нияосига етказиб, асфальтлашга киришдик. Кунига ўнлаб машиналарда асфальт ташиб келинаёпти.

Йўлни бутунлай қайта қуриш учун энг замонавий машина-механизмлар жалб этилган. Қорхона ишчилари иккита бригадага бўлинган ҳолда меҳнат қилишаёпти. Йўлнинг бир қисмида асфальт ётқизиш, иккинчи томонида тўсиқлар билан ажратиш ишлари олиб борилаётди.

Самарқанд шаҳрига ёки Самарқанддан Қашқадарё ва Сурхондарёга қатнаётган қайдовчилар ҳам, йўловчилар ҳам мазкур йўлда амалга оширилаётган хайрли ишлардан мамнун.

Зеро, бу йўллар уларни тез орада ойдан манзилларга етказишга хизмат қилажақ.



СУРАТДА: қорхона ишчилари Алишер Усмонов, Расул Жумаев.

Бағрикенглик ва меҳр-муруват маскани

ларда ўз вақтида ҳал этишда маҳалла тизимининг таъсири, ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганидан дароландир.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида маҳаллалар фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, уларнинг самарали фаолият юритиши механизми ва вақолатларини кенгайтириш, ўзини ўзи бошқариш органларининг ёшларни аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўйган ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга оид лойиҳаларни изчил давом эттиришига доир ибратли ишлар кўламини янада ортирди. Аҳолининг уй-жой шарт-шароитини яхшилаш, касаначилик меҳнатини ривожлантириш, ёшлар, хотин-қизлар учун янги иш ўринларини барпо этиш, уларни иш билан таъминлаш, болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёлғиз қарияларни ижтимоий муҳофиза қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки тобора кучайиб бораётди.

ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ ТАРАННУМИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Танловдан мақсад ёзувчи ва шоирларимизни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндларини «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» эзгу ғоясини ўзида мўжассам этган, Ватанимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тарққийёт йўли Ўзбекистонини мусулмон ўсиш соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташки сиёсат

«Энг улғу, энг азиз» Республика танлови ҳайъатининг йилги танловнинг вилоят босқичлари кўтаринки рўнда ўтказилиб, унда 1600 дан зиёд ижодкор олти мингга яқин асар билан иштирок этгани ва 160 дан зиёд ижодкор турли номинациялар бўйича голиб ва совриндор деб топилгани қайд этилди. Ижодий бешлашувнинг мамлакат босқичига уч юздан мингдан ортиқ асари тақдим этилган.

Ушбу материалларда халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамлашиб бораётгани, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, одамларнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдир ва истиқболига

дахлдорлик тўғриси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айлиб бораётгани, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижобий самаралари, ёшларимизнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний қамол топаётгани таъсирчан ифодаланган.

Йилги танлов «Энг улғу, энг азиз» Республика танловининг якуний босқичини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар қўриб чиқилди.

(ЎЗА).

Ғолиблар аниқланди

Танловнинг ўтган йилги босқичида наманганлик тадбиркор аёллардан 5 нафари голиб чиқиб, «Меҳр нури» жамғармасининг 6 миллион сўм миқдордаги грантига сазовор бўлган эди. Жорий йилда давъогарлар сафи анча кенгайди. Уларнинг кўпчилиги оилавий бизнеснинг қулай тури бўлган паррандачилик, қандолатчилик, чеварликни йўлга қўйиб, иссиқхона маҳсулотларини етиштириш юзасидан ишлаб чиққан лойиҳаларини ҳакамлар ҳайъати ҳавола этдилар. Пировардида саккиз нафар иштирокчиларнинг ишлари юқори баҳолаб, уларга танловнинг республика босқичида қатнашиш учун йўланма берилди.

Н. ҚУДРАТИЛЛАЕВ.

Бугунги кунда жойларда аҳоли манфаатларини муҳофиза қилиш, уларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этишда маҳалла тизимининг таъсири ҳамда аҳамияти тобора ортиб бораётди. Айниқса, ҳар биримиз учун қадрдон масканга айланиб қолган маҳаллани жамиятимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланиб бораётгани қувонarliдир. Шу маънода, ҳозирда маҳалла фуқаролар йиғинларига юксак ишонч билдирилди, уларнинг кенг қўллаб-қувватланиши изчил амалга оширишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Ободончиликдан тортиб, оилаларнинг ахлиноқ яшашларини таъминлаш маҳаллалар зиммасидаги масъулиятли масалалардир.

Барчага аёнки, шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳам ҳал этади. Чунки маҳаллада ночор, моддий ёрдамга муҳтож, нафақа тайинлаш зарур бўлган одамларни маҳалла оқсоқоли ва маҳалла фаолларидан ахшироқ биладиган киши йўқ. Шу нуқтага назардан, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағларни ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш масъулияти улар зиммасига юклатилган. Мавжуд вазифаларни адолатли ва холисона амалга ошириш эса, кўп жиҳатдан маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ўз маҳалласидаги аҳолининг турмуш шарт-шароитини қай даражада библишиги, салохияти, малакаси, билим ва тажрибасига боғлиқ. Шунинг учун халқ маҳалла раисини сайлашда унинг адолатлилик, ҳар бир масалани ечимини зукюлик билан ҳал қила олиш, ҳамма билан бирдек муомала қилиш каби фазилатларига алоҳида эътибор беришда.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги ижтимоий нафақалар бўйича комиссия раиси сифатида, комиссия масъулоти қотибаси Феруза Файзиёва ва Чилонзор тумани бандликка қўмқалашувчи ва аҳолини ижтимоий му-

ҳаракатлари туфайли ўзгаларга бериб юборилди.

Масалан, ушбу маҳаллада яшовчи М. Ҳамроева аслида қолмақларга ҳам зид равишда таъминланган учун нафақа тайинлаш-

март ойи учун 52.752 сўм нафақа ҳам туланган. Агар Тошкент шаҳар назорат-таътиш бошқармаси ҳодимлари томонидан МФЙнинг фаолияти текширилмаганда, белгиланган нафақа пулининг қолган қисми ҳам М. Ҳолматовга ноқонуний равишда туланган бўлар эди.

Маҳалла ва махсус комиссия раиси ҳисобланган А. Муталов нафақа тайинлаш учун тайёрланган айрим ҳужжатлар билан, ҳатто, танишиб ҳам чиқмаган. Ўша қалбаки ҳужжатларнинг ама-

нома имзоланган. Маҳалла раиси А. Муталов ва БКМ ҳодими Г. Бабаджонованинг имзоси билан баённома тасдиқланмаган бўлса-да, А. Қорабоева 6 ой муддатга нафақа тайинланган ва унга жорий йилнинг март ойига қадар 226 минг сўм ноқонуний нафақа пули туланган.

Ажабланarli ҳолат. Маҳалла раисининг имзоси бўлмаган ва унинг тасдиқдан ўтмаган ҳужжат ижроси қандай таъминланган экан, деган савол кишини ўйлантиради. Шундай қилиб, А. Муталов, Ф. Файзиёва ва Г. Бабаджонованинг ноқонуний ишлари туфайли 2009 йилнинг июнь ойидан 2010 йилнинг март ойига қадар жами 748 минг 700 сўмлик бюджет маблағлари, яъни кам таъминланган оилаларга ва болали оилаларга ажратилган моддий ёрдам ва нафақа пуллари улар томонидан мансаб ҳаёқини суиистеъмол қилган ҳолда ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинади.

Халқимизда «қилмиш-қидирмиш», деган гап беҳижга айтилмаган. Албатта, улар ноқонуний қилмишлари учун жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор тумани судининг ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор, деб топилди, қонуний жазосини олдилар.

Бугунги кунда юртимизда ўн мингдан ортиқ маҳалла мавжуд. Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига қизгин тайёргарлик давом этаётган шу кунларда ҳар бир маҳаллада истиқлол йилларида барча жаҳонларда эришилган ютуқларни, ижтимоий йўналтирилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга кенг ва атофлича, ёрқин мисоллар ёрдамида тушунириш, тарғиб ва таъшиқ этишга йўналтирилган маърифий тадбирлар, учрашувлар, жонли мулоқотлар ташкил этилмоқда. Ўтказилаётган турли курик-танловлар намуналик маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариш соҳасида тўлғалган ижобий иш тажрибасини атофлича ўргатиш, тарғиб ва таъшиқ этиш, ўзаро фикр алмашиш имконини бермоқда.

Абдуҳаким Муталовни ҳам фуқаролар юксак ишонч билан Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» МФЙга раис қилиб сайлашган эди. Афсуски, у ўзига билдирилган кўпчилиكنинг ишончини қозониш, ибратли ишларни амалга ошириш ўрнига оқсоқоллик вазифасига сайланганига ярим йил ҳам бўлмастан ноқонуний ишларга қўл уриб, жиноят содир қилади. Яъни у маҳалла фу-

қоҳаза қилиш маркази бош мутаҳассиси, комиссия аъзоси Гулбахор Бабаджонова билан олдиндан жиний тил бириктириб, давлат мулкни талон-торож қилиш жиноятини биргаликда содир этишди. Улар Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»-ги ҳамда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Ишламайдиган оилаларга бола икки ёшга етгунга қадар уни парварилаш учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш бўйича тартиби тўғрисида»-ги Низом талабларига зид равишда фаолият олиб борадилар. Натижда ушбу гуруҳ томонидан давлат бюджетни ҳисобидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган ва ишонч топирилган бюджет маблағлари ноқонуний ўзлаштирилди. Ўша маблағлар моддий ёрдамга муҳтож оилаларга берилмасдан, маҳалла раиси ва унинг шерикларининг турли мақсадларни қўлаб қилган саъй-

ни сўраб, ариза билан мурожаат қилади. Бирок комиссия раиси ва унинг аъзолари М. Ҳамроевага нафақа тайинлаш ўрнига, унга ҳеч бир асосий моддий ёрдам сифатида 2010 йилнинг февраль-март ойлари учун 120 минг сўм пул беришди.

Шунингдек, шу маҳаллада яшовчи Н. Султонова 18 ёшга болалари бўлгани учун ишламайдиган оналарга бериладиган нафақа олиш учун мурожаат қилган аризасига асосан, унга ҳам 120 минг сўм моддий ёрдам бериши нафас билдилади. Маҳалланинг Афзошлик кўчасида яшовчи А. Қорабоевнинг моддий ёрдам сўраб қилган аризасига биноан, унга ҳам 226 минг сўм ижтимоий ёрдам кўрсатилади. Асосийси, ўраб пул маблағлари маҳалла фуқаролар йиғини томонидан асосис ва ортиқча ажратилган, нафақалар бўйича тузиладиган махсус комиссия баённомалари, тўлов рўйхатлари ва ҳисоботлари қалбақлаштирилади. Бундан ташқари, юқорида номлар қайд этилган фуқароларга иж-

фойдаланиб, Дўмбиробод маҳалласида яшовчи М. Ҳолматова, М. Икромов, Ш. Акбаров ва ҳамда Н. Мусаевага асосис равишда ноқонуний нафақалар тайинлашади. Яъни болаларига нафақа олиш учун ариза билан мурожаат қилган ушбу фуқароларнинг оила аъзолари ва уларнинг даромади тўлиқ текширилмасдан, ҳужжатлари қалбақлаштирилди. Масалан, нафақа олиш учун мурожаат қилган М. Ҳолматованинг аризасига илова қилинган ҳужжатларида маҳалла томонидан бу хонадонда рўйхатда турувчи оила аъзолари тўғрисида тўлиқ маълумот берилмаган. Фақатгина М. Ҳолматованинг турмуш ўртоғи А. Ҳолматовнинг 2009 — 2010 йиллар учун 12 ойлик даромади тўғрисида маълумот мавжуд бўлиб, бошқа оила аъзоларининг даромадлари кўрсатилмаган. Шундай бўлса-да, махсус комиссия унга 2010 йилнинг март ойидан август ойигача 6 ой муддатга нафақа тайинланган. Унга

«ҲОТАМТОЙ» ОҚСОҚОЛ

маҳалладошлари ишончини йўқотди

лий ижроси, гарчи имзоланмаган бўлса-да, таъминланган, давлат маблағи совуридаверган. Жумладан, фуқаро А. Қорабоев моддий ёрдам сўраб МФЙга мурожаат қилади. Маҳалла томонидан берилган маълумотномада эса унинг оила аъзолари ва уларнинг даромадлари ҳақида ҳеч қандай маълумот кўрсатилмаган. Лекин комиссия аъзоларининг 2009 йил 18 ноябрда тузган мажлис баённомасида жами етти киши қатнашган ва фақатгина қотиб Ф. Файзиёва томонидан баён-

Тадбирда Маҳалла кўни муносабати билан ўтказилган курик-танлов голибларига диплом ва совғалар топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Маҳалла — Ватан ичра кичик бир Ватан, ҳисобланади. Унинг шани эса кўп жиҳатдан маҳалла оқсоқоли ҳимоятига, унинг ҳалол фаолиятига боғлиқ. Зеро, маҳалла раиси маҳалладошларининг бошини бирлаштирса, уларни ҳамжиҳатликка қорласа, юзага келган муаммоларнинг ечимини ўз вақтида топа оلسа, холислик ва адолат мезонини фаолият юритса, табиийки, ўша маҳаллада тинчлик, тотувлик, ободончилик ва фаровонлик бўлади. Маҳалладаги тинчлик, фаровонлик, адолатнинг барқарор бўлиши эса юрт равақига бир ирмоқ бўлиб қўшилади. А. Муталовнинг қилмиши эса маҳалладошларнинг унга бўлган ишончи ва ҳурматини йўқотди. Бундай масъулиятсизлик ҳар биримизни янада ҳушёр бўлишга, ўз ишимизни сидқидилдан бажаришга ундайди.

Қилмиш-қидирмиш

маҳалладошлари ишончини йўқотди

Абдуразақ ҚАРИМОВ.


Абдуразақ ҚАРИМОВ.

Абдуразақ ҚАРИМОВ.

Абдуразақ ҚАРИМОВ.



Дунёдаги деярли барча мамлакатнинг иқтисодий таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган изчил ислохотлар туфайли нафақат иқтисодий тизимнинг барқарорлиги таъминланмоқда, балки унинг юқори суръатлар билан ўсишига ҳам замин яратилмоқда. Айниқса, юртимизда банк тизимининг бозор тамойиллари асосида шакллантирилганлиги ва шу аснода ривожланаётгани ҳам бунга тўла имкон бераётир.



«Агробанк»:

МОЛИЯВИЙ МАДАД ЎЗИНИ ОҚЛАМОҚДА

Республикамизнинг энг йirik тижорат банкларида бири — «Агробанк» ОАТБ ҳам мамлакатимиз иқтисодий ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этиб келаётир. Хусусан, банкнинг Хоразм вилояти бошқармаси фаолиятидаги юксалишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Аниқ режалар асосида фаолият юритаётган жамоа асосий эътиборни банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодийнинг реал сектори базавий тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратмоқда. Қолаверса, корхоналарни модернизация қилишга йўналтирилган инвестициявий лойиҳаларни кредитлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ҳамда аграр соҳа корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича уларга молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам банкнинг доимий эътиборида. Шу билан бирга, банк кичик бизнес субъектларининг истиқболли лойиҳаларини ҳам молиялаштиришда, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини депозит ҳисобварақларига жалб этиш ишлари жадал олиб борилаётир.

Банк инфратузилмаси, хусусан, ҳудудий филиаллар тармоғи ҳамда банк хизмати турлари кенгаёттири, омонатчилар ва банкнинг бошқа мижозлари манфаатларини ҳимоялаш каби устувор вазифаларга жиддий эътибор берилаётти. Бу эса бошқарма фаолияти доирасининг кенгайишига, ўз мижозлари ишончи орттиришига замин яратмоқда. Жумладан, бошқарма жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, иқтисодий ис-

рияти қишлоқ хўжалигида бевоқиф ишлаб чиқариш билан банд бўлган корхона ва фермерлардан иборат.

Бундан ташқари, вилоят бошқармаси филиаллари аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида бир қанча банк хизмати турларини ҳам жорий этди. Жумладан, бозорларга ва аҳоли гавжум жойларга банкнинг махсус кассалари ўрнатилди. Ушбу махсус кассалар орқали коммунал тўловлар, «Раупет» хизматлари учун тўловлар мунтазам қабул қилинмоқда.

Банк хизмат турларидан яна бири — аҳолининг узоғини яқин қилиш мақсадида «Western Union» ва «Contact» пул ўтказмалари жорий этилди. 2010 йил 1 июль ҳолатига кўра, ўтказмалар миқдори йил бошига нисбатан 3 бараварга ошди.

Вилоят бошқармасининг 12 та филиали, 59 та минибанки ва 9 та махсус кассаси мавжуд. Табиийки, бу банк фаолияти қўламининг кенгайиши учун қўлай имконият яратади.

Молия-кредит амалларини

иш ўринлари яратиш, умуман олганда, мамлакат иқтисодий ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшишда муҳим ўрин тутди. Ана шу тамойил асосида иш юритаётган вилоят бошқармасининг жами кредит қўйилмалари жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, 77 млрд.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик картчакалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 1125 та терминал ўрнатилди. Банкнинг туман филиаллари мижозларга 83957 та пластик картчак тарқатди. Ҳозир банк мижози ҳисобланган 310 та корхона ва ташилотнинг ишчи-ходимлари иш ҳақларини фақат пластик картчакалар орқали олмоқдалар. Натижада вилоятда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ортди.

900 млн. сўмни ташкил қилди. Бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 152 фоизга ўсган. Жами кредит қўйилманинг 20,1 фоизини қисқа ва 79,9 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил қилади.

Банк ва мижоз

Шуниси аҳамиятлики, ушбу кредит қўйилмаларининг 65,9 фоизи қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилди. Шунингдек, унинг 2 фоизи саноат, 4,6 фоизи савдо ва хизмат кўрсатиш, 11,2 фоизи моддий-техника таъминоти ва 16,3 фоиздан ортиғи бошқа соҳалар тараққиёти учун сарфланади.

«Агробанк»нинг Хоразм вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари Президентимиз қарорлари ижросига ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам бир қанча ишлар қилинди. Вилоятда жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, 2 млрд. 75 млн. сўмлик кредит ажратиш режалаштирилган эди. Амалда эса 2 млрд. 303 млн. сўмлик банк кредит-

лари ажратилди. Натижада янгидан 66 та ишчи ўрни яратилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича ҳам муайян тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг олти ойи ҳолатига бўйича режадаги 1 млрд. 500 млн. сўмлик кредит ўрнига 1 млрд. 763 млн. сўмлик банк кре-

дитлари ажратилди. Шунингдек, бошқа қатор қарорлар ҳам бу жамоа учун дастуриламал бўлмоқда. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 227 та оилага қорамол сотиб олиш учун 412 млн. сўмлик кредит ажратилганлиги ҳам ушбу қарорларни ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир. Энг муҳими, бу маблағнинг 115 млн. сўми имтиёзли кредит ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам ўтган олти ойда 2 млрд. 535 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Хусусан, қасаначиликни тараққиёттириш учун 395 млн. сўмлик, аёллар тадбиркорлиги ривожига 905 млн. сўмлик кредитлар берилди.

Худди шунингдек, бошқарма филиаллари жами 7 млрд. 127 млн. сўмлик инвестицион кредитлар ажратди. Бунда, айниқса, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари салмоқли ўрин тутди. Бинобарин, банк бераётган кредитлар нафақат даромад олиш манбаи, балки юзлаб оилалар қувончига ҳам

Дарҳақиқат, бошқарма ва унинг филиаллари эришган бу ютуқлар замирида малакали мутахассислардан иборат бутун жамоанинг самарали меҳнатлари мужассамдир. Айни пайтда ҳам жамоа аъзолари банк хизматини жаҳон андозалари даражасига кўтариш орқали юртимизда молиявий барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшиш, аҳоли, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш учун курашмоқда. Зеро, бу курашнинг замирида халқимизнинг эртанги ёруғ кўни, Ватанимизнинг истиқболдаги нурафшон толеси, миллатимизнинг ғурур ва ифтихорга мужассам тақдирини ётишини хоразмлик банк ходимлари дил-дилдан ҳис этдилар.

«Агробанк» ОАТБ матбуот хизмати.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Йўқолгани чин бўлсин

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) раҳбари дунёда «H1N1» вирусининг бутунлай тугганини маълум қилди.

«Франс пресс» ахборот агентлиги хабарига келтирилишича, ташкилот раҳбари бу ҳақда Женевада бўлиб ўтган БССТ экспертлари учрашувида айтиб ўтган. Шунингдек, пандемия туганига қарамай, у қайта

пайдо бўлишининг олдини олиш ҳаракатлари тўхтамаслигини ҳам билдирган.

Эслатиб ўтамиз, маъмур вирус аломатлари 214 мамлакатда кузатилиб, 18 449 кишининг умрига зомин бўлган.

Буюк британиялик олимлар Ҳиндистон ва Покистонда тарқалиши мумкин бўлган янги инфекция (касал тарқатувчи бактериянинг организмга тушиши) ҳақида огоҳлантиришди.



«РИА Новости» хабарига кўра, ушбу касаллик икки мамлакатда бўлиб қайтган йўловчиларда аниқланган. Афсуски, NDM-1 номли бу вирусга энг кучли антибиотиклар ҳам таъсир кўрсатмаётган экан. Айни пайтда мутахассислар вируснинг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф этиш йўллари ўрганишаёттир.

Табиат инжиқликлари

Шарқий Европадаги бир неча мамлакатларда сув тошқинлари содир бўлмоқда.

«BNS» ахборот агентлиги хабарига кўра, Литва, Чехия, Польша ва Германияда табиий офат 15 кишини ҳаётдан олиб кетган. Яна бир неча киши беदारак йўқолган.

тағ-туби билан кўпориб ташлаган. Электр энергияси таъминотида узил-кесиллар вужудга келган. Айни пайтда минглаб аҳоли вакиллари вертолётлар ёрдамида ҳавфсиз ҳудудларга кўчирилмоқда.

Бундан ташқари, кучли шамол дарахтларни

Нодир коллекциячи

Буюк Британияда истиқомат қилувчи Дэйв Валентайн исми фуқаро чипс (қовурилган картошка) пакетларини тўплаш билан шуғулланади.

Унинг шу пайтгача йиккан пакетлари нархи 10 минг фунт-стерлинг (12 минг евро)га тенг келар экан. Бундай катта миқдордаги кўрсаткичга сабаб, у асраб қўйган маҳсулотларнинг кўпидан ҳозирда фойдаланилмайди. Шу боис аксарият пакетлар жуда нобъ саналади.

32 ёшли Валентайн чипс пакетларини коллекция қилишни 1984 йилда бошлаган экан. Айни пайтда унинг нодир маҳсулотларини бир неча тадбиркорлар ва музейлар сотиб олиш тақлифи билан чиқаяпти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси

Фарғона шаҳрида 1200 рақамли «Coral Flexicom R3000» автоматик телефон станциясини ўрнатиш ишларини амалга ошириш учун танлов эълон қилади.

Тақлифлар 1 ой ичида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: (8-373) 224-39-61. Факс: (8-373) 224-31-62. Манзил: Фарғона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 13-уй.



лохотларни чуқурлаштириш ва миллий валютаимиз қадрини оширишда ҳам фаол иштирок этди.

Бошқарма филиалларида хизмат кўрсатилаётган мижозлар сони, жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, 16886 тани ташкил қилди. Уларнинг акса-

бажариш асосида мижозларга банк хизматлари кўрсатиш молия муассасаларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу эса бозорни истеъмол моллари билан тўлдирish, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шу орқали янги

тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам бир қанча ишлар қилинди. Вилоятда жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, 2 млрд. 75 млн. сўмлик кредит ажратиш режалаштирилган эди. Амалда эса 2 млрд. 303 млн. сўмлик банк кредит-

ДАВЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФИНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ИЙГМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРЕИД — Қозогистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

SONATA

Ўз йўлингни танла!

Drive your way

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Тўловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин.

Official Partner

www.hyundai.com.uz

Tel. (8-371) 250-11-11

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор Шухрат Мирзиётовга падали бузуқворни МИРГИЭС отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия иҳзор этади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоаси нашриётнинг меҳнат фахрийси Ҳазина Низомовага онаси СОКИНА аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Масалан, Баркамол авлод йилнинг бошида, аниқроғи Қуролли Кучларимизнинг 18 йиллиги арафасида Тошкент, Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарёда бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг қалитлари топширилгани олайлик. Уша тантаналар, ҳаяжонли онларда ободлик кўнгилларга кўчди. Озод юртининг обод уйларида тўйлар бўлди. Масалан, "Содик хизматлари учун" медали соҳиби, офицер Ҳайдар Эргашевнинг шинам, барча қўлайликларга эга, қисқа қилиб айтганда, замон талабларига жавоб берувчи янги уйга кўчиб кирганидаги кубончиға гувоҳимиз.

— Бундай эътибор бизни янада фидойиликка ундайди, — деди Ҳ. Эргашев. — Зиммаимиздаги масъулиятли ва муқаддас вазифа — она-юртни, халқимизни, мустақиллигимизни ишончли химоя қилишга руҳлантиради. Шунда ҳаёлимиздан беихтиёр Президентимизнинг "...Уз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмай диган, ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурч, деб биладиган мард жангчиларимизнинг оғир ва масъулиятли меҳнати муносиб тақдирлиши лозим", деган гаплари ўтди.

Шу ўринда "Мамлакат посбонлари кимлар, профессионал ҳарбий хизматчиларимизнинг маънавий қиёфаси қандай?" деган савол тугилади. Эҳтимол, улар би-

ТИНЧ ВА ОСУДА ҲАЁТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

лини мустақамлаш туйғуси унга куч бераётганини аниқлаш қийин эмас. Аниқса, қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари, шахсий таркибни бошқаришни, жанговар вазифаларни амалга оширишнинг илғор тактик усулларини яхши ўзлаштиради. Бу нималарда акс этди? Масалан, қўл остидаги механик-ҳайдовчи, шартнома бўйича хизмат оддий аскар Шукр Охунжонов унинг буйруғига кўра, танки турли тўсиқлардан, шартли равишда миналаштирилган майдондан ишонч билан олиб ўтди. Машқни белгиланган вақтдан олдин муваффақиятли бажарди. Ёки мўлжалга олувчи шартнома бўйича оддий аскар Абдунаби Шариповни олайлик. Белгиланган нишонларга бехато

даси мустақамлаш туйғуси унга куч бераётганини аниқлаш қийин эмас. Аниқса, қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари, шахсий таркибни бошқаришни, жанговар вазифаларни амалга оширишнинг илғор тактик усулларини яхши ўзлаштиради. Бу нималарда акс этди? Масалан, қўл остидаги механик-ҳайдовчи, шартнома бўйича хизмат оддий аскар Шукр Охунжонов унинг буйруғига кўра, танки турли тўсиқлардан, шартли равишда миналаштирилган майдондан ишонч билан олиб ўтди. Машқни белгиланган вақтдан олдин муваффақиятли бажарди. Ёки мўлжалга олувчи шартнома бўйича оддий аскар Абдунаби Шариповни олайлик. Белгиланган нишонларга бехато

даси мустақамлаш туйғуси унга куч бераётганини аниқлаш қийин эмас. Аниқса, қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари, шахсий таркибни бошқаришни, жанговар вазифаларни амалга оширишнинг илғор тактик усулларини яхши ўзлаштиради. Бу нималарда акс этди? Масалан, қўл остидаги механик-ҳайдовчи, шартнома бўйича хизмат оддий аскар Шукр Охунжонов унинг буйруғига кўра, танки турли тўсиқлардан, шартли равишда миналаштирилган майдондан ишонч билан олиб ўтди. Машқни белгиланган вақтдан олдин муваффақиятли бажарди. Ёки мўлжалга олувчи шартнома бўйича оддий аскар Абдунаби Шариповни олайлик. Белгиланган нишонларга бехато

рувда юксак интеллектуал салоҳияти билан ажралиб турадиган, дунёқараш кенг, жисмоний етук офицер кадрларининг яна бир гуруҳи миллий армиямиз сафларига йўл олишди. Икки акасига ҳавас қилиб, офицерликни — мардлар касбини танлаган, ҳарбий сулолани давом эттираётган лейтенант Жўрабек Қосимов ана шулардан бири. Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртини имтиёзли дипломга тугатган бу ўғлон тимсолида бугуннинг посбонини, баркамол авлодни кўрасиз. Ҳа, замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган, юксак ақл-заковати, мустақамлаш иродаси, Ватанига, халқига садоқати билан ажралиб турадиган бундай марду майдонлар миллий армиямизнинг жанговар салоҳияти кўзгусидир.

Албатта, ҳарбий хизматчи бир лаҳза бўлса-да, шуни унутмаслиги керакки, бугун биронинг ҳаловатини ўғирлаш ҳисобидан ҳаловат топадиган кучлар бор. Йўлимиз, кўзлаган манзилимиз аниқ. Ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаётни, жамиятни қуришни эзгу мақсад қилганмиз. Бунинг учун, авваламбор, юртимизнинг, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, Ўзбекистонимизнинг янада тараққий топишига ҳисса қўшиш талаб этилади. Ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан келажагини қуришга ва ўз юртини химоялашга қурб еттидиган давлат ва халқни тан олишади, ҳурмат қилишади. Мана шу ҳақиқат бизга ишонч бахш этади, юрт тақдирини ва истиқболни дахлдорлик туйғуларини қалбимизда алангалатади.

Алжон САФАРОВ.

МАДАНИЯТ

хабарлари

Бухорода "Энг улуг, энг азиз" аънанавий танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ИЖОДИЙ ТАНЛОВ



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ва бошқа бир қатор манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур ижодий беллашувда журналистлар, шоир ва ёзувчилар, расомлар, киноижодкорлар ўзларининг энг сара асарлари билан қатнашдилар. Ҳар бир номинация бўйича голиблар номи аниқланиб, улар қимматбаҳо эсдалик

совғалари билан тақдирланди. Эътиборлики, голиблар сафиди иқтидорли ёшлар ҳам бор. Чунинчи, Бухоро шаҳридаги 2-мактаб ўқувчиси, истеъдодли киноижодкор ва суратчи Бехзод Болтаев икки қарра жаҳон чемпиони, таниқли боксчи Аббос Атоев фаолиятига бағишланган "Чемпион бўлиш осонми?" ҳужжатли фильми учун киносанъати асарлари номинациясида биринчи ўринни эгаллади.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЗАМОНАВИЙ ЗИЁ МАСКАНИ

Наманган шаҳрида Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида байрам тухфаси сифатида янги "Китоблар маркази" фойдаланишга топширилди.

"Шарқ зиёкори" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган ушбу лойиҳа учун 150 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Айни пайтда марказда умумтаълим мактаблари, касбунахуна коллежлари ва олий ўқув юртлири учун мўлжалланган дарсликлар билан бирга бадиий адабиётлар ҳамда газета ва журналлар сотуви ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари, харидорлар марказнинг компьютерлаштирилган бўлимида электрон адабиётлар билан бемалол танишишлари мумкин.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Байрам тухфаси

Мустақиллик байрами арафасида Ғузур тумани марказида туғуруқхона мажмуасининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик

"Шўртан газ-кимё" мажмуаси томонидан 970 миллион сўмликдан зиёд маблағ эвазига барпо этилган ушбу мажмуада барча қўлайликлар яратил-

ган. Шунингдек, мазкур мажмуа 600 миллион сўмлик тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди.

Ф. БОЗОРОВ.

Польшанинг Котова шаҳрида 20 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида шахмат бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Нафиса Мўминова навбатдаги галабага эришди.

Бўш келма, Нафиса!

Халқаро тоифадаги спорт устаси Нафиса Мўминова еттинчи турда қозғониллик Гулсизон Нахобоевани мот қилиб, ҳисобидидаги очколарни 6 тага етказди ва турнир жадвалининг иккинчи погонасига кўтарилди. Мусобақада пешқадамлик қилаётган словениялик Анна Музичук ҳиндистонлик Рут Радминни енгиб, 6,5 очко билан биринчи ўринни сақлаб қолди.

Нафиса кейинги турда Рут Радминга қарши донга суради. Анна Музичук эса россиялик шахматчи Ольга Гиря билан беллашади.

Усмирлар ўртасидаги мусобақада қатнашаётган шахматчимиз Александр Касьян еттинчи турда мезбонлар вакили Марсин Сисичович устидан галаба қозонди. У ушбу муваффақиятдан сўнг 5 очко жамғариб, турнир жадвалида бирдангина ўн икки поғона юқорилади ва 8-ўриндан жой олди. Юртдошимиз сакizinини турда перулик Артур Эмилио билан ўзаро куч синашади.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Жиззахда бокс бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Жиззах туманидаги иқтисодий касб-хунара коллежидида уч кун давом этган мусобақада республика вилоятлари ҳамда кўшни Қозғистондан ташриф буюрган 127 нафар ёш боксчи иштирок этди.

Истеъдодлар кашф этилди

Улар 14 вазн тоифасида рингга чиқдилар.

Қизиқарли, айни пайтда мурасасиз ўтган жангларда ўз вазн тоифалари бўйича Жиззах вилоятидан З. Қодиров, У. Эрматов, У. Тожиёв, Ш. Муродов, Фарғона-

дан Ҳ. Сотволдиев, Самарқанд вилоятидан Ф. Содиков, Р. Амров, Қашқадарёдан Ф. Сафаров, сирдарёлик Ф. Мелибоев, Қозғистондан А. Мўйдинов голиб чиқдилар.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЮРТ ФАХРИ



Амударё тумани халқ таълими бўлимига қарашли Манғит болалар спорт мажмуаси бундан беш йил муқаддам бунёд этилган эди.

Шундан буён қарийб 805 нафар томишабини ўз бағрига сиғдира оладиган футбол стадиони, 4 та кичик зал ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши учун хизмат қилмоқда. Мажмуада спортнинг футбол, миллий кураш, эркин кураш, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат каби олти тури бўйича секциялар ташкил этилган. Уларда 444 нафар ёш, жумладан, юзга яқин киз 20 нафар тажрибали мураббий қўл остида мунтазам спорт билан шуғулланиб келмоқдалар. Қувонарлиси, бу ерда шакллантирилган футбол, миллий кураш, шахмат жамоалари мамлакатимиз миқёсида бўлиб ўтаётган кўплаб спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу, табиийки, яратиб берилган аҳолий қўлайликлар, мутахассисларнинг тинимсиз меҳнатлари самарасидир.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ғамхўрликдан диллар мунаввар

Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялашда давлат ташкилотлари билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам ўрни катта.

Хусусан, мамлакатимизда фаолият юритаётган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ёз мавсуми давомида кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларининг кўнгилли дам олишларини ташкил этди. Шу мақсадда жамғарма томонидан 320 нафар ўқувчиға пойтахт вилоятидаги "Оқтош-Кимёгар-

«Ёзги таътил -2010»

лар оромгоҳи", Самарқанддаги "Ситора" дам олиш масканларига бепул йўлланмалар берилди.

Кунини кеча "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан 75 нафар ўқувчи оромгоҳларнинг сўнгги навбатига дам олиш учун юборилди.

Эркин ҚОДИРОВ.

ЎЗ СТЕНДИНГИЗГА ЭГА БЎЛИНГ! Иштирок этиш масалалари бўйича ташкилотчилар офисиға мурожаат қилинг **113 01 80**

CENTRAL ASIAN INDUSTRIAL WEEK **POWER** **miningworld** **MCA**

ЭНЕРГЕТИКА **ТОҒ-КОН ИШИ** **МАШИНАСОЗЛИК**

Халқаро кўргазма анжумани
МАРКАЗИЙ ОСИЁ САНОАТ ҲАФТАЛИГИ

21-23 СЕНТЯБРЬ 2010
«Ўзэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон

Ташкилотчи:

Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 20
Телефон: (+998 71) 113 01 80, факс: (+998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, www.ite-uzbekistan.uz

www.ite-uzbekistan.uz **ufi**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

замонавий технологиялар ва ускуналар сотиб олиш учун Хитой Давлат Тараққиёт банкнинг кредит йўналишини жалб этган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини хорижий валютада қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда.

Хитой Давлат Тараққиёт банкнинг кредит йўналиши:

- кредит йўналишининг умумий суммаси — **75 млн. АҚШ доллари**;
- банк молиялайдиган импорт контрактлари ҳажми — **100 минг АҚШ доллари**дан бошланади;
- кредит муддати — **8 йил, жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр**;
- Хитойда ишлаб чиқарилган товарларни етказиб бериш улуши — **камида 50%**;
- фоиз ставкаси — **LIBOR + йиллик 3,5%** (Ўзбекистон Республикаси тижорат банкнинг маржасини ҳисобга олмаганда);
- ташкил этганлик учун воситачилик ҳақи — **кредит йўналишининг суммасига нисбатан йиллик 0,3%**.

МИЛЛИЙ БАНК БИЗНЕСИНГИЗНИ
ЎЗ БИЛАН БИРГА РИВОЖЛАНТИРАДИ!

Кўшимча маълумот олиш учун куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 235-38-52, 235-17-02.

www.nbu.com

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририятлари **корхона, ташкилот, компания, кўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.**

Тел.: 232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
Буюртмалар шу йилнинг 20 августигача қабул қилинади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 703. 41762 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоис келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлаёнақ тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — А. Болсев. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусахҳах — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА ақуни — 20.40 Топширилди — 21.25

1 2 4 5